

ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

М.А.Нормуродова

Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти ўқитувчиси

Д.А. Аҳмедова

Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти ўқитувчиси

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти, кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади. Маълумки, инсон ҳамма соҳада бирор мақсадга эришиш учун ўзи учун маъқул бўлган йўл, усул ва воситалардан фойдаланиб, зарур фаолиятни амалга оширади. Аввалом бор мақсад пайдо бўлади, кейин шунга мувофиқ, мавжуд имкониятларга суянган ҳолдаги фаолият шаклланади. Бундан кўринадики, мақсад ҳар бир ишнинг сабаби ва сўнгги натижасини белгилайди. Мақсад маълумки, сабаблар асосида шаклланади. Бундай сабаблар эҳтиёж дийилади. Бугунги кун педагоги ўз эҳтиёжларини ўз фанига, ҳамда баркамол авлод тарбиясига доир ахборотларни мунтазам ўрганиб, ўз иш фаолиятига фаол тадбиқ этиб боргандагини қониқиши мумкин. Педагогнинг мазмунли фаолияти сифат-самарадорликка эришишнинг зарурий шартидир. Педагогларнинг ўзини устида ишлаши яъни, малака ошириши жараёнида қуйидаги масалаларга эътибор беришлари лозим бўлади.

1. Педагог касбий ва методик маҳоратини ошириши

2. Педагог ўқув жараёнида изчиллик, илмийлик, ғоявийлик принципларини амалга ошириши

Педагогнинг касбий маҳоратини, салоҳиятини шакллантириш ривожлантириш ва давр талабларига мувофиқ фаолият юрита олиши учун зарур шарт-шароитларни яратишда кадрлар малкаласини ошириш тизими алоҳида ўрин тутди.

Педагог ходимнинг касбий маҳоратини шакллантириш, касбий малакаларини ошириши, таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан методик, дидактик ва технологик ёндашувни қарор топтириш масалалари таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш имконини берувчи муҳим

омил сифатида эътироф этилади. Бунда турли мавзулардаги бахс-мунозара дарсларини ўтказиш мумкин. Бундай дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқувчи кенг ҳажмдаги маънавий манбаларга, бадиий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналарига, диний манбалар, шарқ алломалари ҳаётига бағишланган илмий, оммабоп, матбуот ва оммавий ахборот материалларига мурожаат қилади. Натижада муаммоли саволларга жавоб топади, аждодлар маънавий мероси билан танишишга муяссар бўлади. Бундай дарслар етарли тайёргарлик, маҳорат ва кенг кўламли билим, тажриба, мустақилликка асосланган ҳолда ташкил этилса, ўқувчининг хулқ маданияти шакллантирувчи қуйидаги ижобий натижаларни беради. Жаҳон педагогикаси юқоридаги таълим усуллари пайдо бўлишидан илгари дедуктив ва индуктив методларга таяниб иш кўриб келган. Жумладан, собиқ шўро педагогикасида ҳам, миллий ўзбек тарбия илми ҳам бу икки асосий методга таяниши ҳаммага маълум. Дедуктив метод - тайёр, умумий назарий билим беришдан бошланиб, босқичма- босқич ривожланишдан хулоса чиқаради, шу орқали ҳаётини кўникма ва малакаларни шакллантиради. Индуктив метод амалий машқлар орқали назарий билим беришга йўналтиради. Бунда ўқувчи янги билим эгаллаши учун бирор мақсадли машқни мавзуга мос ҳолда ўзи бажариши лозим бўлади. Дедуктив методда олдин қоида, хулоса, умумий ҳолат баён қилинади. Асосий билим, назарий фикр, мохият ўртага ташланади, унинг туб мохияти ёритилади, кейин шу билим, хулоса, назарий фикр, мохият мисоллар, фактлар, далиллар, кўмагида машқлар таҳлилларида асосланади. Бунда умумийликдан хусусийликка қараб борилади. Индуктив методда эса аксинча мисоллар, фактлар таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда назарий хулосага келинади, мохият аниқланади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Таълим тизимида: а) ҳар икки методнинг ўзида мусбат ва манфий томонлари мавжуд бўлиб, агар қўллай олиш маҳорати нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, ҳар иккаласининг самара беришида бири- иккинчисиникидан жиддий фарқланмаслиги мумкин- бирини иккинчисидан юқори қўйиш ўта шартликка эга; б) фақат битта методни таънлаб иш тутиш мумкин эмас ва бу ҳеч қачон ўзини оқламайди. Ўрни билан, вазият ва мавзу талабига кўра бир дарс жараёнида бу методлардан уйғунлаштирилган ҳолда фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Аслини олганда мавжуд таълим методларидан ҳар ким ўз маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ўринли фойдалангани маъқул. Худди илгари дедуктив, Индуктив, усуллар кенг қўллангани каби ҳозир замонавий таълим тизимида ўқитишнинг “интерфаол” аталувчи усули кўп қўлланилади. Ҳар бир таълим

узули ёки технологиясининг асосий мақсади ўқувчининг шахслик сифатларини тўла шакллантириш, уларни мамлакатни ривожлантира оладиган салоҳиятли шахслар қилиб етиштиришдир.

Таълим -тарбия жараёни инсон ҳаёти учун зарур ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш механизмидир, бу ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишнинг шакл, усул ва воситаларини такомиллаштириб бориш зарур. Бунинг замирида педагогнинг касбий маҳоратини шакллантириш тушунчаси ётади.

Педагогнинг касбий маҳорати, мулоқот маданияти, нутқнинг равонлиги касбий маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик нутқ техникасини эгаллаганлик даражаси ўз навбатидан технологияга асосланган ҳолда амалга оширилади. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчига етказиб бериш ва кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ўқувчи томонидан эгалланган назарий билим, малакалар ва кўникмаларни даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак касбий маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ижодий ёндашувни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахимов, З. (2022). Касбий-педагогик маҳоратнинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти. *Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы*, 1(1), 97–101. Извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/zitdmrt/article/view/5205>
2. Библиографические ссылки
3. Akhmedova Dilnoza Anvarovna, Tolipov Begzod Batirovich. (2023, 28 January) EFFECTIVENESS OF INTEGRATING PROJECT-BASED LEARNING INTO ESP COURSES FOR IMPROVING ESP TEACHING TO IPER (THE INSTITUTE OF PHARMACEUTICAL EDUCATION AND RESEARCH) PHARMACY STUDENTS “Web of Scientist: International Scientific Research Journal”
4. Habibova, M. N. (2021). Jorjina Houellning “Queen of the desert” biografik asarida gertruda Bell timsoli tasviri. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 770-778.
5. Kurbanova, G. (2022). PEDAGOGIK MULOQOT VOSITASIDA KASBIY TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOYIY-TARIXIY ASOSLARI. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(9), 12–16. Извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/3614>